

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил январь ойининг 19 куни, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман суди ўз биносида очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: Ж.Ҳайдаров,

судья ёрдамчиси Х.Анаркуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оҳангарон туман прокурорининг катта ёрдамчиси О.Ўткиров, жабрланувчи З.З.З., ва М.М.М., судланувчи С.С.С.,нинг иштирокида, С.С.С.,га нисбатан 1-1111-2201/235-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

С.С.С., [REDACTED] да Наманган вилояти Чуст туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, уч нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED] да истиқомат қилган, иш бўйича жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 2022 йил 9 ноябрдаги ажримига кўра, судланувчи С.С.С.,га нисбатан қидирув эълон қилинган ва қидирувдан 2022 йил 18 ноябрь куни ушланган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 20 декабрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи С.С.С., 2021 йил 18 октябрь куни соат 12:00 ларда [REDACTED] да яшовчи фуқаро С.С.С.,нинг уйига бориб, З.З.З.,га тегишли “Матиз” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинасини пулини бўлиб тўлаш шарти билан жами 4000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, З.З.З.,га 1000 АҚШ долларини олдиндан бериб, ишончига кириб, 2022 йил февраль ойида 2000 АҚШ доллари, 2022 йил сентябрь ойида қолган 1000 АҚШ доллари тўлаш мажбуриятини олиб, З.З.З., томонидан [REDACTED] русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинасини бошқариш ҳуқуқини билан ишончнома беришига эришиб, автомашинани ўз уйига олиб кетган ва ҳозирга қадар қолган 3000 АҚШ доллари миқдордаги



пулларни беришдан бўйин товлаб келган. Натижада 3.3.3,га жами 32.115.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Бундан ташқари С.С.С., ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран 2021 йил 12 декабрь куни Наманган вилояти Наманган тумани Қоратепа қишлоғи Атлас кўчаси 154-уйда яшовчи фуқаро Мирсолиев Отабек Исмоилович билан учрашиб, унга “Матиз” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинасини ўзиники эканлигини айтиб, 2.650 АҚШ долларига сотишга келишиб, М.М.М.,дан шу куни 2.200 АҚШ долларини олиб, [REDACTED] русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинасини топшириб, автомашинани М.М.М.,га расмийлаштириб бермасдан келган. Натижада М.М.М.,га жами 23.750.606 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Судланувчи С.С.С., судда, у айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у Оҳангаронга 2021 йил апрель ойларида деҳқончилик қилиш учун келиб, Оҳангарон шаҳрида яшовчи Сайдарипов Сайдимурат акани 2021 йил сентябрь ойларидан Олмалиқ шаҳридаги автомашина бозорида кўрганини ва “Матиз” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинасига ҳаридор бўлганини, 2021 йил 18 октябрь куни Сайидмурод акага телефон қилиб уйига боришини айтиб, шу куни уйига бориб автомашинасини сотиб олишга келишганини, у автомашинани 4000 АҚШ долларига келишиб, бошига 1000 АҚШ долларини беришга келишганини, қолган 3000 АҚШ долларини тилхат ёзиб беришга келишганини, сўнг Сайидмурод ака унга бошқариш ҳуқуқи билан ишончнома қилиб берганини, лекин сотиш ҳуқуқини бермаганини, шундан сўнг ушбу автомашинасини Наманган вилоятига уйига олиб борганини, у ушбу автомашинасини Наманган вилоятида бошқариб юрганини, 2021 йил декабрь ойлари бошларида Сайидмурод акага телефон қилиб ишлари кўпайиб кетганлигини машинани сотмоқчилигини айтганини, Сайидмурод ака рози бўлиб, “Менга ҳам тезроқ пул керак” деб айтганини, сўнг ушбу автомашинага хридор топиб, 2021 йил 12 декабрь куни Отабек уйига келиб жами 2.650 АҚШ долларига келишиб, олдиндан 2.200 АҚШ доллари бериб, ундан “Матиз” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинани олиб кетганини, Отабек ўзи ҳам машина савдоси билан шуғилланишини, машинани бошқа одамга сотишини, ўшанда машина ҳужжатларини тўғри ўша одамнинг номига ўтказиб бершини айтганини, у рози бўлганини, у ушбу 2.200 АҚШ долларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун, яъни аввалдан бўлган қарзларини тўлаш ва Россияга ишлашга кетиш учун ишлатганини, сўнг ушбу пулларни Сайдарипов Сайдимурат ака бермаганини, ҳозирги кунда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини, ўзига тўғри хулоса чиқариб олганини, ҳозирда жабрланувчи 3.3.3, ва М.М.М.,ларга



етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчиларни унга нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Жабрланувчи З.З.З., суд мажлисида, у Соаталиев Зухриддин Мамарахимовични 2021 йил октябрь ойи бошларидан Олмалиқ шаҳридаги автомашина бозорига ўзига тегишли бўлган “Матиз” русумли, давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинасини сотиш учун борганида кўрганини, сўнг у ерда автомашинасини савдо қилиб, лекин автомашинасини сота олмаганини, шундан сўнг 2021 йил 18 октябрь куни Зухриддин унга телефон қилиб, уйига келишини айтганини, шу куни уйига келиб, унга бошида 1000 АҚШ доллари пул борлигини, 2022 йил февраль ойида яна 2000 АҚШ долларини, 2022 йил сентябрь ойида қолган 1000 АҚШ доллари, яъни жами 4000 АҚШ доллари миқдорда пулларни беришини айтиб, автомашинасини сотишга келишганини, Зухриддин қолган пулларини тилхат ёзиб берганини, шундан сўнг Зухриддинга бошқариш ҳуқуқи билан ишончнома қилиб бериб, лекин сотиш ҳуқуқини бермаганини, 2022 йил январь ойи бошларида Зухриддин сотиб олиб кетган автомашина тезликни ошириб ҳаракатлангани учун унга жарима қоғози келганини, Зухриддинга телефон қилиб буни айтганда у автомашинани сотиб юборганлигини айтганини, ундан қандай қилиб мени номимдаги автомашинани бировга сотганлигини, ҳужжатларни қандай расмийлаштирилганлигини сўраганда у хали ҳужжатларни бермаганлигини айтганини, унинг учун у агар пулларини тўлиқ олса уни сотган одамга автомашинасини ўтказиб беришини айтганини, Зухриддин рози бўлиб, аммо кейинги кунларга унга телефон қилганида рақами ишламаганини, уйдагиларга телефон қилиб сўраганида Зухриддиннинг укаси Фахриддин исмли киши жавоб бериб, Зухриддин Россия давлатига ишлашга кетганлигини айтганини, шундан сўнг ҳолат юзасидан Оҳангарон шаҳар ИИБга ариза билан мурожаат қилганини, ҳозирги кунда З.З.З., унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, шу сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб, кўрсатма берди.

Жабрланувчи М.М.М., суд мажлисида, у Соаталиев Зухриддинни 2021 йил 12 декабрь кунидан танишини, 2021 йил бошларида Наманган вилоятида машина олди-сотди билан шуғилланишни бошлаганини, 2021 йил 12 декабрь куни ўртакаш йигитлар орқали З.Соаталиев билан танишиб, 2021 йил 12 декабрь куни ўртакаш йигитлар билан Олмос қишлоғига, яъни Зухриддини яшаш қишлоғига бориб, Зухриддинда бўлган “Матиз” русумли, давлат рақами [REDACTED] бўлган автомашинасини кўрганини, Зухриддин Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрида яшовчи Сайдарипов Сайдимурат аканинг номида эканлигини, ушбу автомашинанинг бошқариш учун ишончнома берилганини, у қачон истаса автомашинасини уни номига ўтказиб беришини айтганини, у билан



2650 АҚШ долларига келишиб, олдиндан шу куни Зухриддинга 2200 АҚШ доллари берганини, қолган 450 АҚШ долларини хужжатлаштириш ишларидан кейин беришишга келишганини, сўнг Зухриддиндан “Матиз” русумли автомашинаси олиб кетганини, у ушбу автомашинани унга нотаниш бўлган аёл кишига сотиб юборганини, шундан сўнг у Зухриддин билан автомашинасини расмийлаштириб беришини сўраганини, лекин Зухриддин ушбу автомашинасини расмийлаштириб бермаганини, сўнг у “Матиз” русумли автомашинаси эгаси билан гаплашган вақтида Зухриддинга 4000 АҚШ долларига келишиб сотиб, 1000 АҚШ долларини олганини, қолган 3000 АҚШ долларини бермаганини айтганини, шундан кейин у машинани сотган аёлдан машинани қайтариб олиб, 800 АҚШ долларини аёлга қайтариб берганини, у аёл газ балонини сотиб юборгани учун 200 АҚШ доллари қайтариб берганини, Сайидмурод ака билан келишиб, ундан 1.700 АҚШ доллари олиб машинасини қайтариб берганини, у жами 500 АҚШ доллари зарар кўрганини, ҳозирги кунда 3.3.3., унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, шу сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб, кўрсатма берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи С.С.С.,нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомаси, шунингдек жиноят ишида тўпланган бошқа ишончга сазовор объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд жиноят ишида тўпланган судланувчи С.С.С.,ни ҳам айблайдиган, ҳам оқлайдиган далилларнинг ҳар бирини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси асосида баҳолаб, қайд этилган далиллар С.С.С.,ни айбини тасдиқловчи бўлганлиги туфайли уларни ишга алоқадор деб, қонунда белгиланган тартибда тўпланганлигини назарда тутиб, уларни мақбул деб, суриштирув, дастлабки тергов даврида ва судда бир хил баён қилинганини ва мантиқан бир бирига мос ва ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи бўлганлигини назарда тутиб, ҳуқуқий онгга амал қилиб, уни ишончли деб баҳолайди ва бу далилларнинг мажмуини С.С.С.,ни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддаси асосида айблаш ва ҳукм қилиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Суд, С.С.С.,ни квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, куйидагиларни аниқлади:

Дастлабки тергов органи томонидан С.С.С.,нинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, фирибгарлик, яъни такроран алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан жабрланувчиларни мулкани қўлга киритганлик жиноий



ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кундаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деган талабларига риоя қилиб, судланувчиларга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилишда содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавfli даражасини, жиноят содир этилиши сабаблари ва оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланишларни, содир қилинган ҳаракатларни оғирлик даражасини инobatга олиб, судланувчига индивидуал ёндошган ҳолда жазо тайинлашликни лозим топади.

Суд, судланувчи С.С.С.,га жазо тури ва миқдорини тайинлашда, у томонидан содир этилган оғир жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавfliлик даражасини, жабрланувчиларга нисбатан етказилган зарарни қопланганлигини инobatга олиш билан бирга, уни айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини Жиноят кодексининг 55-моддаси асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, шунингдек, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини Жиноят Кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қопланганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси тарибида қамоқда сақланган ҳар бир кунини аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштириб аҳлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегириб ташлашни ва унга нисбатан қўлланилган “қамоқ” эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

-жиноят оқибатида етказилган зарар жабрланувчиларга тўлиқ қопланганлигини инobatга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 459-460, 462-463, 465-468 ва 471-473, 476-моддаларига асосан суд,

ҲУКМ ҚИЛДИ:



С.С.С., Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

С.С.С.,га Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, судланувчи С.С.С.,нинг 2022 йил 18 ноябрдан 2023 йил 19 январга қадар қамоқда сақланган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегириб, якуний ўташ учун ҳар ойлик иш ҳақидан давлат даромадига 20 (йигирма) фоиз ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой 21 (йигирма бир) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатириш белгилансин ва ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлагандан сўнг ҳисоблансин.

С.С.С.,га нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар прокурор ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукмнинг нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ж.Ҳайдаров

Аслига тўғри _____

